



## ИЖТИМОЙ ДАВЛАТДА ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ - ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Мингбоева Карима Шахабовна

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси  
“Ижтимоий-гуманитар фанлари” кафедраси катта ўқитувчиси  
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7918162>

### ARTICLE INFO

Received: 01<sup>st</sup> May 2023

Accepted: 09<sup>th</sup> May 2023

Online: 10<sup>th</sup> May 2023

### KEY WORDS

### ABSTRACT

Ҳозирги кунда ижтимоий давлатнинг асосий бўғини бўлган оила мустаҳкамлигини таъминлашда мамлакатда олиб борилаётган ислоҳатлар, ижтимоий фаровонликни асосий ўзаги-оилани давлат томонидан қўллаб қувватланаётганлиги ушбу мақолада таҳлил қилинган.

Мамлакатимизда мустақилликнинг сўнгги йилларига келиб амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳатларнинг негизда аввало, юртимиз таянчи, келажагимиз пойдевори ҳисобланмиш баркамол авлод тарбиясини янада юксалтириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Бу эса ўз навбатида юртимизда баркамол авлоднинг улғайиб камол топишида жамиятнинг энг кичик бўлаги ҳисобланган оиланинг ўрни нақадар муҳимлигидан далолат беради.

Янги Ўзбекистоннинг Бош Қомуси-Конституцияда ижтимоий давлат дея эътироф этилган мамлакатимизда - оила жамият ривожланиши ва унинг барқарорлиги ҳамда фаровонлиги шартлари мустаҳкамланди.

Оила нафақат инсон наслини давом эттириш омили сифатида, балки жамиятни ривожлантиришда шахсни тарбиялаш маскани сифатида катта аҳамиятга эгадир. Оила авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Маълумки жамият шаклланишида оила, шубҳасиз, дастлабки босқич вазифасини ўтайди, яъни оилада одамларнинг бир-бири билан, жамият ва давлатга нисбатан муносабатига асос солинади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 1994 йилдан бошлаб, ҳар йили 15 май кунини Халқаро оила кунини сифатида нишонлашга қарор қилди. Бу эса оила ва унинг тинчлиги, мустаҳкамлиги масаласи халқаро жамоатчиликнинг ҳам назарида эканлигидан далолатдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 16 -моддаси бевосита оила масалаларига бағишланган бўлиб, жумладан унда шундай дейилади:

1. Балоғатга етган эркаклар ва аёллар ирқи, миллати ва динига қараб бироқ бир чеклашсиз никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқига эгадирлар. Улар никоҳдан



ўтаётганда ҳам, никоҳда бўлган вақтда ҳам ва никоҳ бекор қилинаётганида ҳам бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

2. Никоҳ, никоҳдан ўтаётган иккала томоннинг хоҳиши ва батамом розилиги билангина тузилиши мумкин.

3. Оила жамиятнинг табиий ва асосий хужайрасидир ва у жамият, давлат томонидан муҳофаза этилиш ҳуқуқига эгадир 1.

Ушбу қоидалар 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Оила кодекси”да ҳам мустаҳкамланди 2.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар йили белгиланаётган ва амалга оширилаётган хайрли ишларнинг барчасида оила ва унинг тинчлиги, мустаҳкамлиги, муаммоси умуминсоний вазифа эканлиги алоҳида эътироф этилмоқда.

Жамият ва давлатнинг оила хусусидаги ғамхўрлиги авваламбор, ижтимоий давлат сиёсатида намоён бўлмоғи зарур. Юртбошимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ислоҳий чора-тадбирларнинг бош мақсади инсон, оила манфаатларини қаноатлантиришдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда оиланинг ижтимоий ҳимоя механизми тўла ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур механизм энг аввало, Янги Ўзбекистон Конституциясида ўз аксини топган. Конституциясининг XIV боби оила, болалар ва ёшлар деб номланган. Мазкур бобнинг 76-моддасида таъкидланган қўйидаги сўзлар ниҳоятда рамзий маънога эга. “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир.

Никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратади”3.

Давлатнинг ижтимоий асосларини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом муҳит яратиш асосидир.

Умуман олганда, жамият тараққиётида маънавий баркамол ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни муҳим эканлигини ҳисобга олиб, оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб асраш, улани умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, оила аъзоларининг, айниқса хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонликларини ошириш, олий маълумот олишга бўлган эҳтиёжаларини қондириш, муаммоларини илмий ўрганишни ва фуқароларга бу масалаларда амалий ёрдам беришни мувофиқлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 18 июлда “Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 323-сон қарори қабул қилинди 4.

Қонунчиликка кўра, 2022/2023 ўқув йилидан республикадаги барча хусусий, хорижий ва давлат олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида кундузги, сиртқи ва кечки таълим шаклида хотин-қизларнинг тўлов-контракт асосида



таҳсил олиши учун имтиёзли шартларда таълим кредитларини молиялаштириш мақсадида банкларга Давлат бюджетидан маблағ ажратишнинг янги тизими жорий этилди.

Мустаҳам оилани барпо этиш, фарзандларни эса ақл заковатли, маънавияти бутун, уларни оила, жамият, давлат олдига ўз бурч ва масъулиятларини хис қилишга қодир инсонлар қилиб тарбиялашда аёлларнинг ўрни каттадир.

Шу жihatдан, ижтимоий давлатда оила фаровонлиги, уни мустаҳкамлаш борасида амалга ошириладиган саъй ҳаракатлар барчамиз учун ўта муҳим вазифадир.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда мустаҳкам оилани шакллантириш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлаш, уларни мустақил ҳаётга кириб келишида зарур моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлар бу билан тугаб қолмади.

Ўтган олти йил давомида Президентимиз томонидан оилалар даромадини кўпайтириш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчилик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорлари қабул қилинди., мақсадли давлат дастурлари ҳаётга табиқ этилди. Одамларнинг ҳалол йўл билан даромад олиши, оиласини тўкинлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

2017 йилда 500 мингта кам таъминланган оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб 2 миллиондан ортиқ оилага кўмак берилмоқда. Бу борада ажратиладиган маблағлар 7 баробар кўпайиб, йилига 11 триллион сўмга етди 5.

Оила жамиятнинг бир бўлаги сифатида ижтимоий давлатда оқилона ижтимоий сиёсатини амалга оширишда, айниқса, инсон ва жамият манфаатларига мос ижтимоий функцияларни изчил адо этишида намоён бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда, мустаҳкам ва бахтли турмуш авваламбор оила курадиган ёшларимизнинг ўзларига, уларнинг ақл заковати, маънавий фазилатлари, қолаверса, оила ҳамда жамият олдигаги ўз масъулиятларини чуқур англаб етишларига боғлиқ. Юқоридагиларга асосланган ҳолда таъкидлаш мумкинки, оиладаги тотувлик, тўкинлик, маънавий бутунлик, аҳиллик, фикрий соғломлик оилавий хотиржамликнинг муҳим омилidir. Булар эса мустаҳкам оиланинг пойдеворидир. Мадомики, оила мустаҳкам экан жамиятимиз мустаҳкам, жамиятимиз мустаҳкам экан мамлакатимиз барқарор. Оилани муқаддас билиш ва уни мустаҳкамлиги учун курашиш қон қонимизга синган юксак маънавий туйғудир. Зеро, оилани мустаҳкамлаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

### References:

1. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси - БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси 217 (III) 10.12. 1948 йил .
2. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси.- Т.: Ўзбекистон, 1998 йил 30.04.
3. Ф.Отохонов “Ижтимоий давлатнинг конституциявий асослари” –Жамият. 11.04.2022.



4. Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 18 июлда “Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 323-сон қарори.
5. Интернет маълумотлари
6. Lex.UZ